



Ойларга ўзбекча ном топишга уриниш яхши. Бироқ мен бир ўзбек филологи бўлатуриб, бундаги «соба», «кунқизар», «кунёнар», «домизлиқ» деган тўртта сўзга илк бор дуч келиб турибман, шунингдек, «қозон», «ўчоқ»ларни ой номи эмас, рўзгор буюми деб билар эканман...

▶ 3



«Ватан» журнали Шарқда мавжуд ажойиб аъналарнинг давомидир. Ривожланган коммуникациялар асрида, сунъий интеллект бизга йўл кўрсата бошлаганида, бундай наshrни қўлингизда ушлаб туриш ёқимли.

▶ 4

2025-yil
25-mart
seshanba
№36
(5100)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ШАХМАТ МАКТАБИ

ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бунинг учун зарур тузилмаларни шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга кенг жалб этиш, бу орқали улар саломатлигини мустаҳкамлаш ва меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш мақсадида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.



Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланаётган шукхули кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида Шахмат мактабининг очилиши бу борада галдаги муҳим қадам бўлди.

Янги Ўзбекистонда шахматни янада ривожлантириш, меҳнаткашлар, шу жумладан, ёшлар ўртасида оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган мазкур мактабининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси, Федерация тасарруфидидаги «Яққасарой спорт соғломлаштириш мажмуаси» масъулияти чекланган жамияти, Халқаро шахмат академияси мутасаддилари, шахмат соҳаси усталари,

жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлар иштирок этдилар. Мамлакатимиз касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан амалга оширилган ушбу хайрли лойиҳа натижасида шахмат ишқибозлари ақл гимнастикаси сирларини бепул ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, берилаётган алоҳида эътибор сабаб шахматчиларимиз жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак ғалабаларни қўлга киритиб, ўзбек шахмати салоҳиятини бутун дунёга намён этмоқдалар. Хусусан, ўтган йил Халқаро шахмат Федерацияси рейтингидеда Ўзбекистон жамоаси 203 та давлат орасида 13-ўринни эгаллади ва мамлакатимизда халқаро гроссмейстерлар сони 30 нафарга етишига эришилди.

Мазкур мактаб айниқса, ўқувчи-ёшлар ўртасида шахматни кенг тарғиб этиш билан бирга, йигит-қизлар орасидан шахмат ўйинига қизиқувчи ёш иқтидорларни аниқлаб, қобилиятларини юзага чиқариш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, шу тарққа улар орасидан кучли шахматчилар етиштириб чиқишини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, спортнинг шахмат тури инсон ақлини чархлаб, тафаккурини ривожлантиради, фикр доирасини кенгайтириб, жисмоний фаоллигини ошириш ҳамда меҳнат самарадорлигини кучайтиришда салмоқли ўрин тутди. Шу маънода Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ташкил этилган Шахмат мактаби меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари учун ажойиб тўхфа бўлди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юрти-



мизда спортнинг шахмат тури оммавийлигини ошириш бўйича яна бир қатор хайрли ишларни амалга оширишни режалаштирган. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудларидаги меҳнат жамоаларида шахмат клублари ташкил этилади, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида ҳар йили шахмат бўйича туман – ҳудуд – республика босқичларинан иборат мусобақаларни ўтказиш қўлами янада кенгайтирилади.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 24 МАРТ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА ҚЎРА, 26 123 ТАСИДА (70,5 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.



Табиатга ўнглаб бўлмас зарар етказганимизни анча кеч англаб етдик. Дунёнинг бир қатор давлатлари сув танқислигидан азият чекаётган бир шароитда муаммони ҳал этишда яқдиллик сезилмаяпти. Ўзбекистон эса барқарор ривожланиш мақсадларига кучли қизиқиш ва садоқатни намён этиб келаётган камдан-кам давлатлар сирасига киради.

– Ҳудудимизнинг 150 йиллик тарихида кузатилмаган чанг-бўрон ҳодисаларига тобора кўпроқ дуч келямиз, – дейди эколог Орифжон Мизомов. – Шу боис ҳукуматимиз иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг турли усулларини амалиётга жорий этяпти.

Диёримизда қанот ёзган «Яшил макон», «Яшил энергетика», «Яшил иқтисод» ва бошқа бир қатор ташаббуслар, «Бир миллион яшил оила» умуммиллий ҳаракати ўтмишда йўл қўйилган хатолар оқибатини бартараф этиш учун ташланган муҳим қадамдир. Бу ғоялар катта самара бериши шубҳасиз. Аммо ташаббуслар кенгроқ қулоч ёйиши йўлида муайян тўсиқларга дуч келинаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайд. Энг ачинарлиси, ҳали бизда экологик маданият, хабардорлик ва экологик онг тўла шаклланиб улгурмагани яққол сезилмоқда.

– Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсати, идоралараро мувофиқлаштириш тизими мав-

ИҚЛИМ ЎЗГАРАЯПТИ, ОДАМЗОД ЭСА...

жуд эмаслиги, шунингдек, иқлим ўзгариши бўйича тегишли маълумотлар мониторингини олиб бориш, тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш ва узатиш ишларининг суствлиги давлатимиз раҳбарининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда, – дейди экология фахрийси Тураҳон Ҳошимов. – Қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш айна чоғда қимматга тушаётгандек кўриниши мумкин. Аммо бу йўлда сарфланаётган сармоя ҳамда инвестициялар иқлимга етказилган зарарни қоплаш ва ҳавонинг ифлослишини билан боғлиқ хатарларни, касалликларни камайитириш орқали қопланиб кетади.

Яқинда дунё ҳамжамияти эътиборига «Иқлим хавфи – 2025» индекси эълон қилинди. Унда экстремал об-ҳаво ҳодисаси таъсири 3 та хавф – гидрологик, метеорологик ва климатологик йўналишлар бўйича таҳлил қилинган. Кейинги йигирма йилда илгари камдан-кам учрайдиган табиат таҳдидлари кўплаб минтақаларда одатий ҳолга айланиб бораётгани кайд этилган. Иқлим ўзгариши оқибатларига энг кўп дуч келаётган давлатлар оз эмас. Хусусан, Осиё мамла-

катлари орасида Хитой иқлим ўзгариши оқибатларига энг кўп дуч келаётган давлат сифатида қайд этилган. Бу ўлкада кейинги ўттиз йилда табиат хуружи оқибатида 42 мингта ўлим қайд этилиб, 706 миллиард доллар миқдоридеда иқтисодий зарар кўрилган. Минг шукрки, ҳозирча она диёримиз бу қадар шафқатсиз офатлардан холи. Аммо лоқайдлик, белгилаб берилган стратегик мақсадлардан чекиниш, бир мақсад йўлида бирлашмаслик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин.

Халқимиз «Бирни кўриб шукр, бирни кўриб фикр қил», дея бежиз айтмайди. Авжи яратиш, яшнатиш фаслида турибмиз. «Яшил макон» лойиҳаси доирасидаги кўчат экиш, боғ яратиш ишларига энг шимаряпмиз. Мавсумни масъулият билан ўтказиш, муқобил энергетикага оид та ш а б - б у с л а р н и кенг ёйиш келажак олдидедаги ҳам фарзимиз, ҳам қарзимиз бўлсин.



Нурлла ШАМСНОВ
«ISHONCH»



«Индорама агро» МЧЖ хорижий корхонасида 850 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улардан 550 нафарга яқини ўз ихтиёри билан касаба уюшмасига аъзо бўлган. Ҳисобот-сайлов конференциясида делегатларга қўмита раиси Шерзод Алибоев амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

ЯҚДИЛ САЙЛАНИШ – ЮКСАК ШАРАФ

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш тарифсиз, шартномавий жорий этилган бўлиб, ходимларга ойлик иш ҳақлари, кафолатли ва компенсация тарзидаги тўловлар, байрамлар муносабати билан белгиланган рағбатлантириш пуллари жамоа шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилмоқда. Корхонада ўртача иш ҳақи 5,5-6 миллион, юқори миқдори ишбай режимида 10-15 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси иш берувчи томонидан маошларнинг вақтида тўланиши юзасидан мунтазам равишда жамоатчилик назоратини олиб бормоқда. Ҳозирга қадар корхонада иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмас.

Иш берувчи билан меҳнатни муҳофаза қилиш битими имзоланган. Ишчи-ходимларни даврий тиббий кўриқдан ўтказиш, уларни махсус кийим-бош, гигиена, шахсий ҳимоя воситалари ва зарарли иш жойларида зарарни камайитириш учун бепул сут махсулотлари билан таъминлаш, қўлай меҳнат шариоитлари яратиш борасида мониторинг ишлари олиб борилди.

– Касаба уюшмасига бирлашганимизга унча кўп вақт бўлгани йўқ, – дейди конференция делегати Бегали Каримов. – Уюшма 2021 йилнинг март ойида тузилган. Ана шу вақт ичида хорижликлар билан бирга ишлаётган жамоамизда қўлай, хавфсиз меҳнат шариоитлари яратиш, муносиб ҳақ тўлаш масалаларида имтиёзларга эга бўлди. Қўмита фаолиятини қонқарди, деб баҳолайман.

Муқобиллик асосида ўтган конференцияда бир овоздан Шерзод Алибоев номзоди қўллаб-қувватланиши унга билдирилган юксак ишонч бўлди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»





ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан барча ҳудудлардаги темирйўл корхоналарида фаолият кўрсатаётган 250 нафар, Тошкент шаҳридан 120 нафар энг илғор, меҳнаткаш ва фидойи хотин-қизни муносиб рағбатлантирди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимиз темирйўл транспорти йил сайин тараққий этишида ўз касбининг фидойилари бўлган хотин-қизларнинг ўрни бекиёслиги эътироф этилди. Шунингдек, барча минтақавий темирйўл узели унитар корхоналарида, ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилаётган фаол аёллар муносиб рағбатлантирилди.

Жамики ҳудудлардан 150 нафар ходималарнинг Бухоро, Самарқанд ва Хива каби тарихий шаҳарларга бепул саёҳати таш-

кил этилган бўлса, меҳнат жамоаларида ходимларни спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш мақсадида темирйўлчи аёллар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилди. Ёши улуг инсонларни қадрлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига кўра, 100 нафар 70 ёшдан ошган ёлғиз, ногиронлиги бор аёл фахрийлар йўқланди.

Ўз мухбиримиз



ДОЦЕНТ МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ

Бухоро давлат тиббиёт институти доценти Саодат Ҳомидова иш берувчининг ҳаракатларидан норози бўлиб, Федерациянинг вилоят кенгашига мурожаат қилди.

Аризада ёзилишича, Микробиология, вирусология ва иммунология кафедрасининг 6 нафар ўқитувчиси ҳамда шикоятчига 2023-2024 ўқув йилида ушбу фанлардан дарс машғулотларини соатбай тарзда ўқитиш учун маърузачи сифатида ишлашига рухсат берилган. Аммо институт ҳисобхонаси томонидан уларга маълум муддат ўтказган дарс машғулотлари учун иш ҳақи тўланмаган. Юзага келган муаммо бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши томонидан иш берувчи номига ёзма кўрсатма киритилди. Шундан сўнг институт раҳбарияти 9 нафар ходимга соатбай ишлаган даври учун иш ҳақлари тўланиши тўғрисида буйруқ расмийлаштирди. Натижада тўққиз ўқитувчига жами 85 934 567 сўм ундириб берилди.

Рустам НАСИМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бухоро вилояти кенгаши бош мутахассиси

МУАЛЛИМАНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Марям Юсупова Хива туманидаги 7-мактабда она тили ўқитувчиси бўлиб ишларди. 2023 йил 1 март куни мактаб биносида йиқилиб тушиб, тан жароҳати олди. Унга тиббий-ижтимоий экспертиза комиссияси томонидан 2024 йил 25 июнда II гуруҳ меҳнат ногирони, 40 фоиз меҳнатга лаёқатсизлик даражаси белгиланди. Шунга қарамаддан, мактаб директори бир йўла нафақа ҳамда ойма-ой зарар пулларини тўлаб бермади.

Аёл ўтган йил охирида бу ҳақда касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Шу асосда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши томонидан фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлароқ судига даъво аризаси киритилди.

Суд иш материаллари билан танишиб чиқиб, ҳужжатларда тўпланган далилларга ҳуқуқий баҳо берди ва даъво аризасини қаноатлантирди. Натижада орадан икки йил ўтиб, М.Юсупованин ҳуқуқи тикланди. Жавобгардан унинг фойдасига жами 80 миллион 726 минг 449 сўм ундириб берилди.

Эркинбой БАЙЖАНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти
кенгашининг меҳнат техник инспектори

ҲАР УЙДАГИ БИР ОФТОБ

Гулбахор ерни яхши кўради. Кўп вақти томорқада ўтади. Экканлари кўқарганда, буй кўрсатганда, ҳосилга кирганда қувонади. Турмуш ўртоғи ўқтам Тўхлибоев билан елкама-елка туриб меҳнат қилади. Икковлон 14 сотихлик томорқада рўзгорбop ҳамма полиз экинларини етиштиради. Бир чеккада чоғроққина иссиқхона ҳам барпо этишган.

Гулбахорнинг ота-онаси ўқитувчи бўлгани учун ҳам уйларида китоб кўп эди. Улардан бирида «Ердан ибрат олинг. Унга қанча чиқинди ташласак ҳам яхши нарсаларни ундираверди» деган жумлалар бор эди. Шу боис камтар-камсуқум, кечиримли бўлишни фазилат деб билмади. Қўли гул хунарманд бўлишига қарамай, мактабни, қилган ишларини кўз-кўзлашни истамайди. Маҳалла фаоллари уйма-уй юриб аёллар ҳол-аҳолини ўрганганида, иккинчи гуруҳ ногирони эканини инобатга олиб, уни «Аёллар дафтари»га рўйхатга киритишди. Масъуллар Гулбахорнинг касаллиги бўйича «группа»га чиқаришларини ва ҳар ойда пенсия берилишини айтишганида, у «Кўл билан берганга қуш тўймас, яхшиси, мени ишсизлар тоифасига киритинг, имтиёзли кредит олиб, ўзим ҳам тадбиркорликни йўлга қуйай, ҳам иш ўрни яратай», деди.

КўП ЎТМАЙ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ЭВАЗИГА ТИКУВ МАШИНАСИ ОЛИБ, ИШ БОШЛАДИ. ТУРЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ТЎҚИШ ҚЎЛИДАН КЕЛГАНИ УЧУН ҚИЗЛАРИНИ ҲАМ ЁНИГА ОЛДИ. БИРИН-КЕТИН МАҲАЛЛАДАГИ ҚИЗЛАР ВА КЕЛИНЛАР ҲАМ УЛАРНИНГ САФИГА ҚЎШИЛДИ. УЙЛАБ ҚАРАСА, ҲОЗИРГАЧА 300 ДАН ЗИЁД ЁШЛАРГА ТЎҚИШ СИРЛАРИНИ ЎРГАТИБДИ.

Унинг «Ҳар бир оила тадбиркор» дастури асосида олган кредитлари баракали бўлди. Эвазига томорқада ишлатиш учун кўлда бошқариладиган ер ҳайдайдиган кичик дастгоҳ олишганди. Маҳалладагилардан ҳам ерларини ҳайдаттиш учун буюртма туша бошлади. Бу агрегат қулай ва ихчам бўлса-да, Гулбахор турмуш ўртоғи толиқаётганини сездди. Кенгашиб, яна 50 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишди. Қўл трактори ёнига минитрактор қўшилди. Зеҳни ўткир Гулбахор уни бошқаришни тез ўрганиб олди. Энди сира бўш вақти йўқ.

– Бу трактор қулай ва ҳаракатланиши енгил, – дейди у. – Меҳнат қилиб кам бўлмаямиз. Тўйлар қилдик, қиз узатдик.

– Гулбахор бир қизиқчимиз айтганидек, «Ернинг жигарини суғуриб оладиган»лардан. 6 қизни тарбиялаб вояга етказяпти. Қизларининг ҳам қўли гул. Ундаги гайрат, шижоат маҳалламиздаги ҳар бир аёлга хос, – дейди «Ибратли» маҳалласи хотин-қизлар фаоли Юлдуз Сайдалиева.

– Ер ҳайдаётганини кўриб, ҳамма ҳавасда. Маҳалламиздаги 1886 нафар хотин-қизлардан 121 нафари «Аёллар дафтари»да туради. 60 нафари дафтарнинг биринчи тоифасида, яъни, ўз-ўзини банд қилиб ишлашни хоҳлайдиганлар. Барчасига зарур шароит яратиб берилаяпти.

«Ибратли»нинг аёллари, ҳақиқатан ҳам ташаббускор. Масалан, Холида Исамова беданачиликни йўлга қуйган. Бедана гўшти ва тухумига харидор кўп.

Мавжуда Қосимова томорқасида кўчат етиштиряпти. Чорвачилик, асаларичилик, балқичилик, паррандачиликни ривожлантириб, даромад орттиряпти.

Жамила Мамировадан кўпчилик писта кўчати сўраб келади. 3 сотихлик томорқасида бун-

дай кўчатлар жуда кўп. Олдин эккан мевали дарактлари эса бу йил ҳосил беради.

ЗАРИФА ШОДИЕВА ИССИҚХОНАДА БАНАН ВА ҚУЛУПНАЙ ЕТИШТИРМОҚДА. ШУ БИЛАН БИРГА, ГУЛЧИЛИКНИ ҲАМ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА. МАҲМУДАҲОН ҚАРИМОВА ИССИҚХОНАДА КЎЧАТ ЕТИШТИРИШНИНГ ҲАДИСИНИ ОЛГАН. ЧЕВАРЛИГИ ҲАМ ҲАММАГА МАЪЛУМ. БУЮРТМА БИЛАН КЎРПА-ЎСТИҚЛАР ТИКИБ, ҚЎШИМЧА ДАРОМАД ТОПАДИ.

«Ибратли»да 27 та хонадон аҳли касаначилик билан шуғулланмоқда.

– Маҳалламиз аҳил, жиноятчиликдан холи, ахримлар йўқ, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Музаффар Назаров. – Камбағалликни қисқартириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз. 15 та оиладан 7 таси камбағалликдан чиқди. Ҳадемай биз ҳам камбағали йўқ маҳаллалар сафига қўшилиамиз.

Аёл киши ҳар бир ишни қалб кўрини кўшиб бажаради. «Ибратли» маҳалласи аёллари рўзғори ободлиги, фарзандлари келажаги учун бор иқтидорини ишга солишга бел боғлашган. Уларнинг ҳар бири хонадонларига бамисоли ҳаёт бағишламоқда.



Баҳор
ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Оламда БУГУН



Жанубий Корея Конституциявий суди бош вазири Хан Док Суга нисбатан импичмент талабини рад этди. Бу эса унинг ўз-ўзидан лавозимига қайтишига сабаб бўлади.

Саккиз нафар судьядан беш нафари импичментга қарши овоз берди, бири бетараф қолди, икки нафари уни қўлаб-қувватлади. Судьяларнинг бир қисми бош вазири ҳаракат-

Жанубий Корея бош вазири вазифасига қайтди

ларини қонунбузарлик, деб топган бўлса-да, суд бундан лавозимдан олиш учун етарли асос, деб ҳисобламади.

Миллий Ассамблея Хан Док Сунги президент Юн Сок Ёлнинг фавқулодда ҳарбий ҳолат жорий қилиш режаларига розилик билдирган ёки фаол иштирок

этангликда айблаган эди. Суд эса бу айбловларни асоссиз деб топди.

Бу юқори лавозимли амалдор ҳарбий ҳолат юзасидан жиний жараёнга тортилиб, якуний суд қароридан сўнг оқланган Жанубий Корея тарихидаги илк ҳолат бўлди.

ҲАМАС сиёсий бюроси аъзоси ўлдирилди

ҲАМАС сиёсий бюроси аъзоси Исмоил Барҳум Хон-Юнус шаҳридаги Наср касалхонасига уюштирилган Исроил зарбаси оқибатида ҳалок бўлди. Фаластин манбаларининг маълум қилишича, ҳужум вақтида бино ичида яраланганлар ва тиббиёт ходимлари бўлган. Турли манбаларга кўра, камида беш киши ҳалок бўлган.

Ўша куни Исроил ҲАМАСнинг яна бир вакили – Салоҳ Ал-Бардавил ва унинг рафиқаси ҳам ўлдирилганини маълум қилди.

Қарийб икки ойлик сулҳдан сўнг Исроил ҲАМАС секторида ҳарбий ҳаракатларни қайта бошлади. Бу амалиёт ҲАМАС томонидан АҚШ воситачилигида берилган таклифларни рад этиш билан изоҳланмоқда. Исроил ҳукуматининг таъкидлашича, улар ҲАМАСнинг Ҳазодаги мавжудлигига асло йўл қўймайди.



Илон Маск: «Тинчлик – АҚШ ва Украина учун тўғри танлов»

Илон Маск тинчлик ҳам АҚШ, ҳам Украина учун тўғри ечим эканини таъкидлади.

Бу ҳақда у Дональд Трампни Киев манфаатларига хиёнат қилганликда айблаган фойдаланувчи постини шарҳлар экан, Х ижтимоий тармоғида ёзиб қолди.

«Бир неча йилдан сўнг ортага қараб, тинчлик тўғри танлов бўлганини англаб етамиз. Сўзларимни эслаб қолинг», деб ёзди Маск.

*Жамолнинг васфини э ой, неча элдин эшиткаймен,
Не кун бўлғай, висолингга мене дилхаста ет்கаймен, –*
дейди Бобур бир ғазалида. Бунда шоир ёрни ой деб атаб, истиора ишлатган. Бироқ шунинг ўзига бўлганида, Бобурнинг санъаткорлиги унча сезилмасди. Эътибор қилсангиз, шоир вақт бетўхтов ўтаётганини, ойлари ва йиллар давомида жамоли васфини эшитганини, унинг васлига етиш учун тоқати энди йил, ойлари эмас, кунларгагина етишини айтиб, арзиҳол қил-
япти. Яъни, «ой» – ёр бўлиши билан бирга, бир ойлик муддат, «эл» – одам-
лар эканидан ташқари йил (эски имломизда эл ва йил сўзлари шакли бир хил) ҳам экани, «не кун» эса қачон деган маънодан ташқари кун – қуёшни ҳам англатиб келяпти. Лирик қахрамон ёр жамолини ойгагина эмас, кун-
қуёшга ҳам менгзаб, бу уч сўзнинг ҳар бирига иккитадан маъно юкляпти.
Вақт-фурсатни билдирувчи калималар ушбу байта яшириб англатилган.
Вақт бўлаги – кунлар, ойлари, йиллар аждрларимиз учун алоҳида қийматга эга бўлган ва вақтнинг ҳар қандай катта-кичигига алоҳида ном берилган.
Ҳар ўттиз кунда ой янги чиқади. Шунинг учун осмондаги ойни ҳам, ўттиз кунлик муддатни ҳам ой деймиз. Бир бизда эмас, бошқа аксар халқларда ҳам шундай. Масалан, руслар осмондаги ойни луна деб ҳам, месяц деб ҳам аташади. Ўттиз кунлик вақт эса фақат «месяц»дир. Ҳар бир халқ ойлари ўз тушунчаларидан келиб чиқиб номлайди.

Ёдингизда бўлса, таниқли журналист Асрор Мўмин 2019 йилда чоп этилган бир мақоласида ойлари номини ўзгартиришга даъват қилиб, январни – Ватан, феврални – Навоий, мартни – Улуғбек, апрелни – Амир Темур, майни – Хоразмий, июлни – Зулфия, июлни – Бухорий, августни – Ибн Сино, сентябрни – Беруний, октябрни – Фарғоний, ноябрни – Жалолиддин ва декабрни – Авесто деб алмаштириш ҳақида таклиф билдирган эди.

Бу фикрни рус тилли оммавий ахборот воситалари ғазаб ва истеҳзо билан кутиб олди. Чунки бундай ҳаракат «оғалар» таъсиридан қадамба-қадам қутула боришни англатади.

Аслида, ундан сал олдинроқ тожик журналисти Амруллох Низом ҳам Тожикистонда ойлари номини ўзгартиш зарурлигини айтиб, бундан сўнг январь – Сосон, февраль – Сомон, март – Наврўз, апрель – Нуъмон, май – Носир, июнь – Бохтар, июль – Ашкон, август – Бухоро, сентябрь – Дониш, октябр – Айний, ноябрь – Сино, декабрь – Ялдо деб аталсин, деб чиққанди.

Бир қарашда, Асрор Мўмин ой номларини шу юртда яшаб ўтган улуг саймоқлар исми билан аташда Амруллох Низом таклифидан улги олгандек. Фарқ шуки, Амруллох ўн икки ойнинг саккизтасига, А.Мўмин эса ўнтасига киши исмини беришга даъват этяпти.

Бу бизга бирмунча ғайритабиий, эриш туюлиши мумкин. Нега энди ойлари киши исми билан аташимиз керак, деб истеҳзо қиладиганлар ҳам топилади. Чунки январь нима, июннинг маъноси қандай – ўйлаб кўрмаганмиз. Аслида эса, биз руслардан олган ўн икки ойнинг саккизтасига киши номи қўйилган. Яъни, январь ойи – Янус, Февраль – Фебруус, Март – Марс, Апрель – Венера, Май – Мая, Июнь – Юнона каби қадимги римликларнинг илоҳлари, Июль ойи – Гай Юлий Цезарь, Август эса Октавиан Август каби давлат раҳбарлари шарафига шундай деб номланган. Қадимги Римда ойлари сони ҳозиргидай ўн иккита эмас, ўн та бўлган. Шунинг учун ҳам сентябрь – еттинчи, октябр – саккизинчи, ноябрь – тўққизинчи ва декабрь – ўнинчи ой деб номланиб қолган.

Ойлари номи совет даврида бизга руслар орқали кириб келди. Биздан бошқа эллар эса нафақат истиқлолдан кейин, балки ҳатто совет даврида ҳам ойлари ўз ихтиёрича номлаган. Масалан, украинларда Січень (Январь), Лютий (Февраль), Березень (Март), Квітень (Апрель), Травень (Май), Червень (Июнь), Липень (Июль), Серпень (Август), Вересень (Сентябрь), Жовтень (Октябрь), Листопад (Ноябрь), Грудень (Декабрь) бўлса, белорусларда Январь – Студзень, Февраль – Люты, Март – Сакавік, Апрель – Красавік, Май – Травень, Июнь – Чэрвень, Июль – Ліпень, Август – Жнівень, Сентябрь – Верасень, Октябрь – Кастрычнік, Ноябрь – Лістапад, Декабрь – Снежань деб аталган ва бунга руслардан ижозат сўраб ўтирилмаган.

Келинг, айрим туркий халқларда ҳозир ойлари қандай аталишини кўрайлик:

Ўзбекча	Туркча	Болкорча	Қозоқча	Қирғизча	Татарча	Уйғурча
Январь	Ўчак	Башил	Қаңтар	Үчтүн айы	Акман	Қәһритан
Февраль	Шубат	Байрым	Ақпан	Бирдин айы	Бушай	Ҳот
Март	Март	Тотур	Қыркүйек	Жалган куран	Яңарыш	Норуз
Апрель	Найсон	Тотурну арт	Наурыз	Чын куран	Сабан	Сәвр
Май	Майис	Хычыуман	Сәуір	Бугу	Черешмә	Ипар
Июнь	Ҳазиран	Никкол	Мамыр	Кулжа	Печон	Сәпәр
Июль	Теммуз	Элия	Маусым	Теке	Урак	Чиллә
Август	Агустос	Қьыркьар	Шілде	Баш оона	Ындыр	Тоғмуз
Сентябрь	Эйлул	Қыркаууз	Тамыз	Баш оона	Билек	Мизан
Октябрь	Эким	Этыйыкь	Қазан	Тогуздуң айы	Каракез	Мәмүр
Ноябрь	Касим	Абыстол	Қараша	Жетинин айы	Керәү	Оғлақ
Декабрь	Оралик	Эндреуок	Желтоқсан	Бештин айы	Қырлач	Қонәк



Бироқ ой ва кунларни номлашда ғулуға кетиш, уни сиёсий мақсадларга мослаш ҳамиша ҳам яхши натижа беравермайди. Масалан, туркманларда бир муддат Январь – Туркманбоши (Сапармурот Ниёзовнинг унвони), Февраль – Байдаг («байроқ»), Март – Наврўз, Апрель – Гурбансолтан она (С. Ниёзовнинг онаси), Май – Махтумқули (туркман шоири), Июнь – Ҳўз (Ҳўзхон), Июль – Қўрқут (достон қахрамони), Август – Алпарслон (салжуқийлар давлати асосчиси), Сентябрь – Рухнома (С. Ниёзов ёзган китоб номи), Октябрь – Мустақиллик, Ноябрь – Санжар (Султон Санжар), Декабрь – Бетарафлик деб келинди. Ҳафта кунлари ҳам: душанба – бош кун, сешанба – ёш кун, чоршанба – хуш кун, пайшанба – савоб кун, жума – анна кун, шанба – рух кун, якшанба – тинч кун, деб «янгиланган» эди. Бироқ орадан олти йил ўтиб, улар бекор қилинди. Демак, кун ва ойларига ном беришда масалани «сиёсий мақбуллаштириш» ноўрин ва беҳуда.

Фейсбукда Зулайхо Йулдашева исмли муаллиф «Ойларнинг ўзбекча номи» деб мана буларни тақдим этибди:

Январь – Ўчоқ	Май – Елвизак	Сентябрь – Қузак
Февраль – Соба	Июнь – Кунқизар	Октябрь – Ўрим
Март – Қўклам	Июль – Қунёнар	Ноябрь – Йғим
Апрель – Чечак	Август – Домизлик	Декабрь – Қозон

Ойларига ўзбекча ном топишга уриниш яхши. Бироқ мен бир ўзбек филологи бўлатуриб, бундаги «соба», «кунқизар», «кунёнар», «домизлик» деган тўртта сўзга илк бор дуч келиб турибман, шунингдек, «қозон», «ўчоқ»ларни ой номи эмас, рўзгор буюми деб билар эканман...

Биздан олисда яшайдиган туркий элларда ойлари номи ўзгача. Масалан, олтой тилида Январь – Чаган, Февраль – Қўчор, Март – Қандиқ, Апрель – Тулаан, Май – Кююк, Июнь – Кичу Изу Ай, Июль – Жаан Изу Ай, Август – Куран, Сентябрь – Сығын, Октябрь – Улурген, Ноябрь – Кучурген, Декабрь – Јанар дейилади.

Ҳатто Ўзбекистон таркибидаги қорақалпоқ эли ҳам ой номларини қадимги шаклида тиклаб, январь – дөлий, февраль – ҳут, март – ҳамал, апрель – сәйир, май – жаўза, июнь – саратан, июль – эсет, август – сүмбиле, сентябрь – мийзан, октябрь – ақрап, ноябрь – қауыс, декабрь – жедди деб атаб олган. Маълум бўладики, мустақил мамлакатларда ой номлари ҳам мустақил номланган эди. Уларни ҳамон русча ном билан атаб юрган ўзимиз қолибмиз.

Ҳолбуки, ўзбек халқи қадимий ёзма манбаларга бой. Бизда ўн тўрт аср давомида ой номлари икки тизимда олиб борилган. Чунончи, **ҳижрий-қамарий йил бўйича ойлари** – Мухаррам, Сафар, Рабиулаввал, Рабиуссоний, Жумодулаввал, Жумодуссоний, Ражаб, Шаббон, Рамазон, Шаввол, Зулқаъда, Зулҳижжа деб аталса, **ҳижрий-шамсий йил ойлари** Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут деб келинган. Ёдингизда бўлса, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи шундай бошланади: «1264-инчи **ҳижрий, далв ойининг** ўн еттинчиси, **кишки кунларнинг** бири, қуёш ботқан, теваарақдан шом азони эшитилди». Далв ойи ҳамиша қиш ярмидан ўтганида бошланади.

Бироқ қамарий ой 28-30 кун оралиғида, шу сабабли ҳар йили ўртача 12 кун олдинга силжиб туради. Яъни, шаввол 2024 йилда савр (апрель) ойига тўғри келса, орадан ўн беш йилча ўтиб, у кузда ҳам келиши мумкин. Шунинг учун бу тизимни ҳозирги замон тақвимига асос қилиб олиш мушкул.

Ҳижрий-шамсий йил астрономик йил билан деярли бир хил узунликка эга. Шунинг учун ҳар хил сиёсий ва туркони ойлари номини ўйлаб топавермай, ота-боболаримиз асрлар давомида қўллаб келган ой номларини жорий қилсак, айни муддао бўлар эди. Ана ушанда бу бизнинг вақт, бизнинг замон, бизнинг ойлари, бизнинг кунлари ва бизнинг йиллари, десак ярашади.

Аслида, ҳижрий-шамсий йил биз амал қилиб келаётган григориан тақвими йилидан 622 йил фарқ қилгани сингари, Савр 1 апрелдан бошланмайди, Қавс ойи ҳам 31 декабрь куни тугамайди. Йил Жадий (январь) ойидан эмас, Ҳамалдан бошланади. Ҳамал ойи ҳам, бошқа ойлари ҳам григориан ойларида саккиз кун аввал бошланади. Чунончи, Ҳамал (22 март – 21 апрель), Савр (22 апрель – 21 май), Жавзо (22 май – 21 июнь), Саратон (22 июнь – 21 июль), Асад (22 июль – 21 август), Сунбула (22 август – 21 сентябрь), Мезон (22 сентябрь – 21 октябрь), Ақраб (22 октябрь – 21 ноябрь), Қавс (22 ноябрь – 21 декабрь), Жадий (22 декабрь – 21 январь), Далв (22 январь – 21 февраль), Ҳут (22 февраль – 21 март)га тўғри келади.


Бироқ бу тафовутни чегириб ташлаган ҳолда, азалий ойлари номига қайтиш ва уларни жорий тақвимга мувофиқлаш лозим бўлади. Яъни, Сунбула ойининг биринчи куни – 1 августга, Жавзонинг илк санаси – 1 майга тўғри келади, деб қабул қилиниши керак. Ҳафта кунлари сингари, ой номларини ҳам шу тизим асосида олсак, мантиққа мувофиқ бўлар эди.

Агар бу таклиф маъқул келадиган ва қабул қилинадиган бўлса, ойлари

Далв (январь)	Савр (апрель)	Асад (июль)	Ақраб (октябрь)
Ҳут (февраль)	Жавзо (май)	Сунбула (август)	Қавс (ноябрь)
Ҳамал (март)	Саратон (июнь)	Мезон (сентябрь)	Жадий (декабрь)

тарзида ўзининг қадимий ва асл ўзбекча номига қайтади.

Буни эса нафақат сиёсий мақсад учун, аввало, миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзбекчиликка юз буриш, тил борасидаги ишларимизни бир йўналишда қилиб саришталашга интилиш, деб тушуниш тўғри бўлади. Афсуски, ҳозир бу борада палапартшилик бор: фасларни Баҳор, Ёз, Куз, Қиш, ҳафта кунларини эса Яқшанба, Душанба, Сешанба, Чоршанба, Пайшанба, Жума, Шанба деб атаймиз ва айтамиз, ойлари номи эса ҳамон русча айтиб, русча ёзиб юрибмиз... Дарвоқе, яқинда кириб келган ҲАМАЛ ойи муборак бўлсин!



Зухриддин ИСОМИДДИНОВ,
адабиётшунос



Трампа қарши 150 дан ортиқ даъво иши қўзғатилди

Bloomberg агентлиги хабарига кўра, АҚШ президенти Дональд Трамп ҳокимиятга келган дастлабки икки ой ичида 150 дан зиёд суд даъволирига дуч келган.

Бутун мамлакат бўйлаб судьялар мунтазам равишда маъмуриятга қарши қарорлар чиқармоқда. Уларнинг аксарияти ваколатни суиистеъмол қилиш, қонун бузилиш ҳолатлари билан боғлиқ қарорлардир. Даъволарнинг асосий қисми миграция сиёсатининг қулайлиги ва давлат хизматчиларини оммавий равишда ишдан бўшатиш билан боғлиқ низо-ларга тегишли. Шунингдек, маъмурият суд қарор-ларига эътиборсизлик қилишда ҳам айбланмоқда.

Исроил Ҳазода қуруқлик операциясига тайёргарлик кўрмоқда

Исроил ҳукумати Ҳазо секторида кенг кўламли қуруқлик операциясини режа-лаштирмоқда. Яҳудий давлати раҳбария-ти Фаластин анклавининг катта қисмини эгаллаб, уни назоратда ушлаб туриш ра-диқал ҲАМАС ҳаракати устидан тўлиқ ғалабага эришиш имконини беради, де-ган фикрда. Исроил бош вазири Бинья-мин Нетаньяху ва унинг атрофидагилар, АҚШнинг янги маъмурияти томонидан ҳу-жумкор ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Ливандаги «Ҳизбуллоҳ» ташкило-тининг заифлашуви шароитида Исроил армияси бундай ҳарбий амалиётларни олиб бориш учун етарлича имкониятга эга, деб ҳисоблашмоқда. Асосий мақсад – ҲАМАСнинг барча инфратузилмасини, жумладан, ероти туннеллар тармоғини бутунлай йўқ қилиш.

АҚШ Эронга нисбатан куч ишлатиши мумкин

«Агар биз маълум бир чизиқча олиб борилсак, жавоб қайтарамиз. Бу эҳти-молдан холи эмас», деди у.

Уиткофф АҚШ Эроннинг ядро қуро-лини яратишига йўл қўймаслигини таъкид-лади. Хусусан, президент маслаҳатчиси

Майк Уолтц ҳам худди шундай нуқтаи на-зарни илгари суриб, Эрон ўзининг ядро-вий дастуридан воз кечмас экан, турли салбий оқибатларга дуч келишини бил-дирган эди.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация-си раҳбарияти ва жамоа-си Федерация тасарру-фидаги Капитал курилиш бошқармаси бошлиғи Ҳайдар Инамович Фози-ловга падари бузруқвори

ИНОМЖОН ОТА
ФОЗИЛОВ

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик бил-диради.

Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерацияси Са-марқанд вилояти кенгаши ҳамда худуддаги барча тар-моқ касаба уюшмалари жа-моалари Федерациянинг Самарқанд вилояти кенгаши Мурожатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Зоҳид Турсунбоевич Янги-боевга акаси

Аъзам Турсунбоевич ЯНГИБОЕВ

вафот этгани муносабати билан таъзия изхор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари жамоа-си таниқли шоир, «Шарқ юл-дузи» журнали Адабиёт-шунослик бўлими мудирини Муҳаммад Исмоилга онаси

Зулайхо момо

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билди-ради.

Тақдимот

«ВАТАН» ЖУРНАЛИ

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ УЧУН КАТТА ТАШАББУС

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ МУҲИМ ДИПЛОМАТИК РЕСУРСИ БУ – ЮМШОҚ КУЧ.

ВА БУ, БИЗ УЧУН ЖУДА МУҲИМ. «ВАТАН» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮМШОҚ КУЧ ДИПЛОМАТИЯ-СИДА ЭНГ ЯХШИ ИНСТРУМЕНТ, ЭНГ ЁРҚИН ВОСИТАЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ».



Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев шу йилнинг 19 март куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Ватан» журналининг инглиз тилидаги махсус сони тақдимотида ушбу фикрларни алоҳида таъкидлади.

Тадбирни очар экан, журнал давлатимиз раҳбарининг миллий контентни ривожлантиришига оид тақдирлари асосида яратилган катта ташаббус эканини ва Ўзбекистон, Марказий Осиё илдирилари, маданий тарихини бутун дунёга тақдим этиш учун муҳим восита бўлишини қайд этди.

Тақдимотда қатнашган давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчилар, фахрий дипломатлар ушбу нашрнинг аҳамиятини таъкидлаб, журнал ички ва ташқи сиёсат, иқтисодиёт, маданият, санъат ва тарих соҳаларидаги муҳим масалаларни муҳокама ва таҳлил қилиш минбарига айланганини айтиб ўтишди.

– Жамиятимизда очиқлик ва ошкораликни ривожлантириш, сўз эркинлиги ҳамда фикрлар хилма-хиллигига эришиш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида давлатимиз раҳбари томонидан устувор вазифа этиб белгиланган, – деди **Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Бахромжон Аълоев**. – Янги нашр нафақат матбаа сифати ва замонавий дизайни билан, балки мазмунан, яъни Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида доир энг долзарб ҳамда

стратегик аҳамиятга эга мавзуларни кўтариб чиқаётгани билан ҳам уzigа хос услуб яратган.

Журнал янгиланиб бораётган Ўзбекистон ҳақида янги сўз айта оладиган зиёлилар, эксперт ва мутахассислар, олим ва мутаассадди шахслар учун ёрқин минбар бўлиб хизмат қилмоқда. Вазирлигимиз халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини янада оширишдаги саъй-ҳаракатларда «Ватан» журнали тахририяти билан яқин шерикликка доимо тайёр.

– Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси муассислигидаги ушбу журнал нашр этила бошлаганига бир йилдан ошди, – деди **журнал бош муҳаррири Хусан Эрматов**. – 2024 йилда унинг 4 та сони тақдим этилди. Президентимизнинг жамиятда миллий контентни ривожлантириш борасидаги ташаббуси меваси ўлароқ дунёга келган журнал мамлакатимиз, қолаверса, минтақамиз ўтмиши ва бугунига янги, ҳолис нигоҳ ташлашни ўз вазифаси этиб белгиланган.

Бугун ахборот замонида яшайпмиз. Жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон ҳақида маълумотлар узатадиган сайтлар ва босма нашрлар кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бунинг сабаби ахборот алмашишга бўлган эҳтиёжга боғлиқ. Биз билан ҳамкорлик қилишни истаган хорижликлар юртимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, реал ҳолат, ҳукуматнинг халқ-

чил сиёсати, ижтимоий ҳаёти ҳақида ҳолис ахборот олишни истайдим. Ватанимиз тарихи, маданияти, санъатига бағишланган таҳлилий материалларни дунёдаги энг кўп тарқалган тиллар, жумладан, инглиз тилида ўқиб бориш эҳтиёжи ҳам кучайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, «Ватан»да чоп этилаётган мақолаларни саралаб инглиз тилида тақдим этишни лозим топдик. Журналнинг йилда бир марта инглиз тилида чоп этиладиган махсус сони Янги Ўзбекистон қиёфасини илмий-академик форматда халқаро ҳамжамиятга намойиш этишида муҳим восита бўлади.

Меҳмонлар журналнинг инглиз тилидаги махсус сонига бағишланган видео тақдимот билан ҳам танишдилар.

Шундан сўнг дипломатлар, зиёлилар нашр ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

– XXI асрнинг мураккаб шароитида ОАВнинг маданий платформалар ва миллий ёғни шакллантиришида ҳамда халқаро тасаввурларга таъсир кўрсатишдаги кучини тан олиш муҳим, – деди **Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Фурад Сиддиков**. – Миллий мерос, тарих ва маданиятга эътибор қаратган мазкур журнал ҳам бу вазифани бажаришда ўқувчилар, айниқас, хориждаги маълум марказлар ҳамда ватандошлар учун муҳим восита бўлиб қолади.

Журналнинг ҳам миллий, ҳам халқаро аудитория билан мулоқот қила олиш қобилияти эса уни умумий алоқалар учун муҳим воситага айлантиради.

Ҳозир АҚШда ватандошлар ва ёш ўзбекистонликлар жамланган 20 дан ортиқ ташкилотимиз бор. Бу журнал Ватанда бўлаётган жараёнлар ва ўзгаришлар ҳақида нафақат ўзбекистонликларнинг, балки Қўшма Штатларда катта бўлаётган ўзбек авлодининг хабардорлигини таъминлаш ва уларни миллий-маданий руҳда тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, журналда чоп этилаётган мақолалар АҚШдаги ақл марказлари ёки бошқа тадқиқот институтлари учун Ўзбекистонни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилишига аминман.

– Журнал жуда қизиқarli, – деди **Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси катта маслаҳатчиси Валентин Гусев**. – У бий мазмунли, жиддий мақолалари билан киши диққатини ўзига жалб этади. Албатта, рус тилида сўзлашувчи аудитория учун журналнинг келажакда рус тилида ҳам нашр этилиши манфаатли бўлар эди.

Ўзбекистон Президенти саъй-ҳаракатлари билан икки томонлама алоқалар жадал ривожланмоқда, Ўзбекистонга таъриф буюраётган россияликлар кўпаймоқда ва улар «Ватан» журнали воситасида мамлакатимиз ҳаёти билан танишишдан жуда манфаатдор.

Умид қиламанки, ушбу журнал дунёга юз тутуди ва ўқувчиларни қизиқarli, янги мақолалари билан завқлантиришда давом этади. Мамлакатларимизнинг мана шундай босма нашрлари уртасида алоқа ўрнатиш, бир-бирининг таърибасини ўрганиш, ҳамкорлик қилиш зарур.

Гудрухбегим ОДАШБОВА «ISHONCH» Эъёза УМРЗОКОВА олган суратлар



Иштирокчилар фикрлари

Пьергабриеле Пападиа де БОТТИНИ, Италиянинг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси:



– Азалдан Италия ва Ўзбекистон нафақат иқтисодий ҳамкорликда, балки маданий-маърифий жиҳатдан ҳам муштаракдир. Бугунги юқори даражадаги учрашув маданиятлар алмашинувининг яна бир босқичи бўлди. Ушбу гўзал журнал, гўзал нашр биз элчилар фаолияти учун ҳам жуда фойдали. Чунки у бизга ҳақиқий жамоа нима эканлиги ҳақида жуда чуқур, юзаси бўлмаган гоғни беради. Журнал саҳифаларини турли мавзулардаги – дин ва тил, тарих, маданият йўналишларидаги мақолалар ўрин олган. Биз улардан Ўзбекистон жуда бой ва кўп қиррали тарихий замин эканини яна бир бор чуқур анлаш билан бирга, ўзбек халқи миллий ўзлигига хослиги қанчалик замонавий эканини ва миллиятимиз билан барча даражаларда алоқада бўлишни тушуниш учун имкон беради.

Фахриддин НИЗОМОВ, журналнинг инглиз тилидаги махсус сони таржимони:



– «Ватан» журналнинг инглиз тилидаги махсус сони тақдим этилиши Ўзбекистоннинг ўзи ҳақидаги ахборотни ўзи бутун дунёга тарқатишга бўлган қадамлардан биридир.

Нашр мамлакатимиз ҳаёти, тарихи, юмшоқ кучимиз ҳақидаги ахборотни бошқа мамлакатларга ўз қўлимиз билан етказиб бериш имконини беради. Хорижий ОАВларда юртимиз тўғрисида турли ахборотлар берилади. Шу вақтгача хорижий тилларда мода ҳақидаги маълумотлар берувчи журналлар бор эди. Ўзбекистон тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, сиёсати, бугунги кунга бағишланган таҳлилий мақолаларни эса ўзимиз тайёрлаб тарқатиш имконияти йўқ эди.

Яна бир жиҳати, кейинги йилларда очиқлик сиёсати сабабли минтақамиздаги мамлакатлар интеграциясига жуда катта эҳтиёж туғилди. Бунинг учун халқларни бир-бирига яқинлаштириш керак. Айни жараёнда ахборот алмашинувининг аҳамияти катта. Экспертлар фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари ҳозир дунёда бўлаётган турли ўзгаришлар, ташқи кучлар босимиға қарши туриш учун бирлашишлари жуда муҳим.

Ю ЖУН, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси:



– Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан таъсис этилган «Ватан» журнали ўзининг мазмун-моҳияти билан ажралиб туради, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги муваффақиятларини очик, ижобий халқаро имиджини намойиш этади.

Ўзбекистон маданият, таълим ва туризм ривожланган етакчи давлатлардан биридир. БМТ ва бошқа халқаро механизмлар фаолиятида ҳам фаол иштирок этмоқда. Халқаро ва минтақавий таъсирчи сезиларли даражада ошди. Стратегик максдалари жадал чин олмақда, биз учун дўстона қўшнидир. Хитой бундай ютуқлардан чин дилдан хурсанд. Мамлакатларимиз раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли биз ушбу янги даврда ҳар томонлама ва стратегик шерикимиз. Барча даражадаги алоқалар тобора яқинлашиб, ҳамкорлик механизмлари жамоавий фаолият кўрсатмоқда, қурилиш ишлари юксак самараларини бермоқда. Хитой Ўзбекистон учун асосий савдо ва сармоявий шерик бўлиб қолимоқда ва икки давлат кўп томонлама тузилмавий муносабатлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Журнал, шунингдек, Президент раҳнамоллигида Янги Ўзбекистон ва бетакрор маданий мамлакатлар алоқаларига ҳам ойна тутуди.

Элдор АСАНОВ, филология бўйича фалсафа доктори, Фанлар академияси миллий археология маркази илмий ходими:



– Журнал сифати олимлар томонидан юқори баҳоланяпти. Ундаги мақолалар муаллифлари орасида чет эллик олимлар ҳам кўп. Унинг инглиз тилида чоп этилиши бу катта янгилик! Ўзбекистон ичида қолиб кетмасдан ҳеч бўлмаганда бир қисми инглиз тилида тақдим этилиши, аёвало, биздаги илмий муҳокамаларни дунёга чиқаради, иккинчидан, мамлакат имиджига ижобий таъсир қилади.

Ўйлайманки, бундай ташаббуслар кўп бўлади.

Манфред ХУТЕРЕР, Германиянинг Ўзбекистондаги Факултода ва мухтор элчиси:



– «Ватан» журналнинг келажакга юксак, деб ҳисоблайман. Айтиш мумкинки, унинг нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам ўқувчилари бор ва бу жуда муҳим. Саҳифалари – чоп этилган мақолаларнинг мавзулари эса хилма-хиллиги билан муштаракликда катта қизиқиш уйғотади. Бу Ўзбекистон буюк ва жуда бой тарихга эга эканидан далолат беради.

Сўнги бир неча йил ичида сиз барча қўшни мамлакатлар билан мустаҳкам, самарали муносабатлар ўрнатишга муваффақ бўлдингиз ва бу ҳам жуда муҳим. Ўйлайманки, халқлар ва «Ватан» журналнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги бу ишга катта ҳисса бўлиб қўшилиди.

«Ватан» журналы Шарқда мавжуд аjoyиб аъёнларнинг давомидир. Ривожланган коммуникациялар асрида, сунъий интеллект бизга йўл кўрсата бошлаганида, бундай нашрни қўлингизда ушлаб туриш ёқимли. Нашр жуда кўп ноб репродукциялар билан аjoyиб қорозда чоп этилгани ҳам ўзгача завқ беради кишига. Журнал янада оммалашшига тилқадосман.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

- «Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hayati:
- Qudratilla RAFIQOV (tahrir hayati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

- Bosh muharrir Husan ERMATOV
- Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43, Marketing va obuna – (71) 256-87-73

- Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66, Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-79-70, Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 705-08-93

- «Ishonch» dasturidan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
- Mualliflar fikri tahriyiyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
- Navbatdagi muharrir: D. Ibrohimov
- Musahhihlar: D. Xudoyberganova, U. Xudoyberganova
- Sahifalovchi: H. Abdullajilov
- Bosishga topshirish vaqti – 23:50, Topshirildi – 00:20
- Bahosi kelishilgan narxda
- Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz
- Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Nashr ko'rsatkichi: 133

- Umumiy adadi 32 463 ta
- Shundan 6 275 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
- 18 277 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
- 7 914 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.
- Gazetaning tipografik jiҳatdan sifati chоп этилишига bosmaxona mas'ul.
- Gazetaning etkazib berilishini uchun obunani rasmiy lajnatdagi tashkilot javobdar.
- Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloy. Buyurtma G-311
- 1 2 3 4 5 6

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Маҳмуджон Тожибоев ижросида
Тошкент ироғи
«ИЗЛАРМАН» қўшиғи

Манам Мажнуни ишқ, дўстларки, бир Лайлони изларман.
Жамоли гул, сочи сумбул, қўзи шаҳлони изларман.
Ажа бир тийра дилдурман, қамар сиймони изларман.
Мани ишқиде зор этган қадди зебони изларман.

Мискин ғазали